СТРАТЕГИК ТАДҚИҚОТЛАР ИНСТИТУТИ КУТУБХОНАСИ

2006 ЙИЛ, 6 АПРЕЛЬ, ПАЙШАНБА

Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ № 66 (10.623) Баҳоси эркин нархда

XXI АСР САДОСИ

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Кеча Тошкентдаги «Интерконтиненталь» меҳмонхонасида «Металлургия. Кимё. Энергетика — industrial Expo Uzbekistan» халқаро кўргазмаси ўз ишини бошлади. Кўргазмада Россия, Қозоғистон, Украина, Қирғизистон ва Германиянинг 30 га яқин етакчи саноат корхоналари ўз маҳсулотлари билан иштирок этмоқда.

● Наврўз байрами ва Амир Темур таваллудининг 670 йиллигига бағишланган умуммамлакат марафони иштирокчилари марра томон яқинлашишмоқда. Жумладан, Наманганда старт олган водийлик югурувчиларга Ангрен-да Тошкент шаҳри ва вилояти ҳамда Жиззах, Сирдарё вакиллари ҳам қўшилишди. Нукусдан бошланган биринчи ва Термиздан йўлга чиққан иккинчи йўналиш қатнашчилари қадим Бухорода учрашишди.

● Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари комплексининг 2006 йилнинг биринчи чорагидаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш якунларига бағишланган мажлиси бўлиб ўтди.

● Буюк Ипак йўлида жойлашган кўҳна Бухоро яна бир меъморий мажмуаси билан барчанинг эътиборини тортадиган бўлди. Бу ерда қадимий обидалар билан уйғунлашиб кетган қирқинчи хусусий меҳмонхона — 96 ўринли «Осиё-Бухоро» «2-Вилоят жамоақурилиш» уюшмаси бинокорлари томонидан қуриб битказилди. Таъкидлаш жоизки, бинонинг ташқи кўриниши қадимий аср меъморий ечимини ўзини акс эттирган.

● Сирдарё вилояти Сардоба туманида туман меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бўлими, туман прокуратураси, «Камолот» ЁИҲ туман бўлими ҳамкорлигида ташкил этилган меҳнат ярмаркасида 23 та ташкилот ва муассаса бўш иш ўринлари билан иштирок этди. Тадбир давомида 90 га яқин талабгор иш билан таъминланди.

● Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Республика халқ ижодиёти, маданий-маърифий ишлар илмий-методик маркази, «Олтин мерос» халқаро хайрия жамғармаси, Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши ва «Маҳалла» жамғармалари ҳамкорлигида Тошкентда миллий дорбозлик ва анъанавий цирк санъати жамоаларининг Республика фестивали ўтказилди. Унда республикамизнинг турли вилоятларидан келган 18 та жамоа қатнашди.

● «Ёғмойтамакисаноат» уюшмаси, республика Савдо-саноат палатаси, ЮНИДО Маркази, Наманган вилоятининг Учқўрғон туманида чигитни қайта ишлаш самарадорлигини ошириш ва ёғ-мой корхоналарида замонавий технологияларни татбиқ этиш масалаларига бағишланган семинар ташкил этди. Анжуман қатнашчилари хорижий технологиялар асосида пахта ёғини қадоқлаш жорий этилган «Учқўрғонёғ» АЖ фаолияти билан ҳам танишдилар.

● Ташкил топганининг 12 йиллигини нишонлаётган Болалар жамғармасининг Жиззах шаҳар бўлими ўзига хос тадбир уюштирди. Ушбу санага атаб, шаҳардаги кам таъминланган оилаларнинг 12 нафар фарзандларининг хатна, 12 нафарининг мучал тўйини ўтказди.

● 21-27 май кунлари Тошкентда футзал бўйича Осиё чемпионати ўтказилиши муносабати билан мамлакатимизга ташриф буюрган Осиё футбол конфедерацияси вакиллари мусобақа ўтиши режаштирилаётган «Юнусобод» ва «Чирчиқ» стадионларини кўздан кечиришди.

ЖАҲОНДА

● Таиланд Бош вазири Таксин Чинават ўзининг истеъфога чиққанлигини эълон қилиб, мамлакатдаги сиёсий кучларга мурожаат этди. У мамлакатдаги сиёсий инқирозни тезроқ бартараф этиш учун турли ҳаракат ва партияларни бирлашишга чақирди. Таксин Чинават янги ҳукумат раҳбари сайлангунча ўз ишини давом эттиради.

● Фаластин мухториятининг янги ташқи ишлар вазири Маҳмуд Захар БМТ Бош котиби Кофи Аннан номига мактуб юборди. Унда ХАМАС радикал гуруҳи томонидан ташкил этилган янги ҳукумат қўшни давлатлар билан озодлик ва мустақилликда яшамоқчи эканлиги таъкидланган. Шунингдек, Захар ўз хатида фаластинликлар жаҳон ҳамжамияти билан алоқа ўрнатиш ҳамда бутунлай мустақил давлат қуриш ниятида эканлигини айтган.

● Еврокомиссия Европа Иттифоқининг 17 та аъзосини энергетика бозорида рақобатни ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар режасини амалга оширмаётганлиги учун танқид қилди. ЕИнинг ижро органи ҳисобланган Еврокомиссия Иттифоқ қоидаларини бузаётган ҳукуматларни расман огоҳлантирди.

● Франция полициясининг маълумотига кўра мамлакатда бандлик бўйича янги қонун лойиҳасига қарши ўтаётган намойишларда 1 миллионга яқин одам қатнашди. Мамлакатда жамоат транспорти ҳаракати ва ҳаво алоқалари қисман издан чиқди. Бироқ зиддиятларга сабаб бўлаётган қонун лойиҳаси борасида ҳукумат музокаралар олиб боришга тайёрланаётган кўринади. Зеро, Президент Жак Ширак қонун қайта кўриб чиқилишини айтган.

● Кеча Туркиянинг Истамбул шаҳрида рўй берган портлаш оқибатида икки киши яраланди.

● Германиянинг Саксония ўлкасида жойлашган фермалардан бирида паррандаларнинг хавфли H5N1 вируси билан касалланганлиги расман тасдиқланди. Бу Европа иқтисодий ҳамжамияти мамлакатларида Франция ва Швециядан кейин парранда гриппи қайд этилган учинчи мамлакатдир.

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар

Қисқа сатрларда

● **БУГУН** Учтепа туманидаги «Кўҳна Чўлпон ота» маҳалласида жойлашган «Учтепа» спорт мажмуасида туман ИИБ, «Камолот» ЁИҲ туман бўлими Кенгаши ҳамкорликларида вояга етмаган болалар ўртасида спорт мусобақаси ташкил этилди.

● **КЕЧА** Миробод туманидаги Йўлдош Охунбобоев маҳалласида «Маънавият ва маърифат» маркази, Тошкент Автомобиль ва йўллар институти ҳамкорликларида уюштирилган тадбир Ҳомийлар ва шифокорлар йилига бағишланди.

● **БУГУН** Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти ҳамда Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университетида «Камолот» ЁИҲ Яккасарой туман бўлими Кенгаши ташаббуси билан мактаб ва академик лицей, коллежлар битирувчилари учун «Очиқ эшиклар куни» тадбири уюштирилди.

● **КЕЧА** Ҳамза туманидаги Бобохон Салимов маҳалласида маҳалла фаоллари, ёшлари иштирокида «Кучли давлатдан кучли жамият сари» мавзуида ўтказилган давра суҳбати «Маънавият ва маърифат» марказининг Ҳамза туман бўлими ташаббуси билан уюштирилди.

● **КЕЧА** Юнусобод туманидаги 271-мактабда аёлларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш масаласига бағишлаб ўтказилган давра суҳбатида «Кулолқўрғон» ҳамда «Шодлик» маҳаллалари фаоллари, хотин-қизлар комиссиялари раислари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар иштирок этишди.

● **КЕЧА** «Камолот» ЁИҲ Собир Раҳимов туман бўлими Кенгаши ташаббуси билан ўрта махсус касб-ҳунар коллежлари, лицейларда «Камолот» ЁИҲ бошланғич ташкилотларининг ҳисобот-сайлов конференциялари бўлиб ўтди.

● **«КИЧИК** Шайхонтоҳур» маҳалласида маҳалла фаоллари, фахрийлар, ёшлар иштирокида ўтказилган тадбир «Ассалом, Наврўзи олам!» деб номланди.

●**АНТОНИНА** Хлебушкина номидаги 22-Меҳрибонлик уйида Ҳомийлар ва шифокорлар йили ҳамда Наврўз байрами муносабати билан уюштирилган хайрия тадбирида тарбияланувчиларга мутасаддиларнинг эсдалик совғалари туҳфа этилди.

●**ТОШКЕНТ** Давлат юридик институтида ўқитувчилар, талабалар, ҳуқуқшунослар иштирокида ўтказилган анжуман яқиндагина ҳуқуқшунослар томонидан нашрга тайёрланган «Ўлим жазосини бекор қилиш: ўтмишда, ҳозирда, келажакда» китобининг аҳамиятига бағишланди.

● **ЎТГАН** йили нодавлат нотижорат ташкилотларини молиялаштириш чораларига бағишлаб ушбу ташкилотлар вакиллари иштирокида танлов эълон қилинган эди. **КЕЧА** шаҳримизда ушбу танлов якунларига бағишланган тадбир ўтказилди.

● **РЕСПУБЛИКА** рассомчилик коллежида уюштирилган анжуман ва расмлар кўргазмаси Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 670 йиллигига бағишланди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

«ЎЗЭКСПОМАРКАЗ»ДА ЎН БИРИНЧИ «СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ — ТИНЕ 2006», БИРИНЧИ ИХТИСОСЛАШГАН МАРКАЗИЙ ОСИЁ «ФАРМАЦИЯ — 2006» ВА ИККИНЧИ «СТОМАТОЛОГИЯ, ЎЗБЕКИСТОН — 2006» ХАЛҚАРО КЎРГАЗМАЛАРИ ОЧИЛДИ.



2006 — Ҳомийлар ва шифокорлар йили

ТИББИЁТ КЎРГАЗМАЛАРИ ОЧИЛДИ

Уни ITE Uzbekistan ва ITE Group Plc халқаро кўргазма компаниялари, Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Савдо- саноат палатаси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Стоматологлар уюшмаси, «Ўзтибтехника» ва «Дори- дармон» акциядорлик компаниялари ҳамкорликда ташкил этди.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири Ф.Назиров мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан тиббиёт тизимида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар аҳоли, хусусан, оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш, ёш авлодни маънан етук, жисмонан баркамол этиб камолга етказишда муҳим омил бўлаётганини алоҳида таъкидлади.

Бу борада ишлаб чиқилган тегишли дастурлар, жумладан «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» дастурида белгиланган вазифалар босқичма- босқич ҳаётга татбиқ этилаётгани ўз самарасини бераётир. Тиббиёт муассасаларининг моддий- техника базаси мустаҳкамланиб, янги қишлоқ врачлик пунктлари, оилавий шифохоналар ва бошқа шифо масканлари барпо этилаётир.Уларни замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш, шифокорларнинг малака ва маҳоратини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини янада оширишда жаҳондаги етакчи тиббиёт муассасалари, илм-фан марказлари, дори- дармон ва тиббий техника ишлаб чиқарувчи йирик саноат корхоналари билан ҳамкорлик йўлга қўйилгани ҳам муҳим омил бўлаётир.

Бу борада 11- марта ўтказилаётган мазкур соғлиқни сақлаш халқаро кўргазмаларининг аҳамияти ҳам каттадир. Ўтган йиллар мобайнида уларда дунёнинг қирқдан зиёд мамлакатидан қарийб етти юз компания қатнашди.

Жорий йил мазкур кўргазма иштирокчилари сафи янада кенгайди. Унга ўн етти мамлакат, жумладан Россия, Германия, Венгрия, Ҳиндистон, Италия, Эрон, Қозоғистон, Хитой, Покистон, АҚШ, Туркия, Украина, Швейцария каби давлатларнинг тўқсондан зиёд фармацевтика компаниялари вакиллари ташриф буюрган.

Айтиш жоизки, кўргазмада маҳаллий хомашё асосида тиббий воситалар ишлаб чиқараётган Ўзбекистон корхоналари вакиллари ҳам фаол иштирок этаётир. Улардан бири - «Супромед» илмий ишлаб чиқариш корхонаси.

— Дастлаб тўрт хил турда маҳсулот ишлаб чиқариш билан ўз фаолиятини бошлаган корхонамизда бугунга келиб йигирмадан зиёд тиббий техника воситалари тайёрланмоқда,- деди мазкур корхона вакили, физика- математика фанлари номзоди Собир Убайдуллаев ЎзА мухбирига. - Булар касалликларга ташхис қўйиш, физиотерапевтик муолажалар ўтказиш, дезинфекциялашни ташкил этишда фойдаланиладиган аппаратлардир.

Асосан маҳаллий хомашёдан ишлаб чиқарилаётган мазкур тиббий воситалар хориждагига қараганда анча арзон ва сифати кафолатланган. Ҳозирги кунда юртимиздаги кўпгина қишлоқ врачлик пунктлари ва бошқа тиббиёт муассасаларида бизнинг аппаратлардан самарали фойдаланиляпти. Маҳсулот турларини янада кўпайтириш мақсадида мамлакатимиз ва Россиядаги етакчи илмий ҳамда ишлаб чиқариш муассасалари билан яқиндан ҳамкорлик қилиб келяпмиз. Ҳар йили соғлиқни сақлаш соҳасидаги кўргазмаларда фаол иштирок этиб, кўплаб ҳамкорлар орттирмоқдамиз.





«Фармация -2006» кўргазмаси стендларидан шифобахш гиёҳлардан тайёрланган препаратлар, биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш ускуналари, она ва бола саломатлигини асраш, шахсий гигиенани сақлашда қўлланиладиган воситалар кенг ўрин олган.

Кўргазмаларда стоматология жиҳозларига ҳам алоҳида ўрин ажратилган. Жумладан, йигирмадан кўпроқ хорижий компаниялар тиш даволашга мўлжалланган техника ва технологиялари, дори-дармонларини намойиш этаётир.

7 апрелга қадар давом этадиган тадбир доирасида стоматологларнинг 2- халқаро анжумани, тиббиётда қўлланилаётган янги техника ва технологияларнинг афзалликлари, бу борада илм-фан эришаётган ютуқларга бағишланган илмий семинарлар ташкил этилади. Уларда мамлакатимиз олимлари ва шифокорлари билан бир қаторда хорижлик мутахассислар ҳам иштирок этади. Кўргазманинг очилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, Республика хотин-қизлар қўмитаси раиси С.Иномова иштирок этди.

ЎзА



ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИ СЕССИЯСИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Қонунининг 17-моддасига мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2006 йил 4 апрелдаги «Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги Қарори ижросини таъминлаш мақсадида Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши 2006 йил 8 апрель куни соат 11.00 да учинчи чақириқ халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг навбатдан ташқари саккизинчи сессиясини чақиради.

Сессия кун тартибига фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисидаги ва бошқа ташкилий масалалар киритилмоқда.

МАДРИДДА КАСТИЛИЯ ҚИРОЛЛИГИ ВА АМИР ТЕМУР ДАВЛАТИ ЎРТАСИДАГИ ДИПЛОМАТИЯ АЛОҚАЛАРИ ЎРНАТИЛГАНИНИНГ 600 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ БЎЛИБ ЎТДИ.

ИСПАНИЯДА ХАЛҚАРО АНЖУМАН

Мазкур конференция Испаниянинг ташқи ишлар, саноат, сайёҳлик ва савдо, маданият вазирликлари, Мадрид мэрияси ҳамда «Клавихо — Амир Темур» Испания — Ўзбекистон дўстлик жамияти томонидан ташкиллаштирилди.

Конференцияга Мадрид мэриясининг маданий мерос масалалари бўйича бош директори Х.Эшверия раислик қилди. Ўзбекистоннинг Мадриддаги фахрий консули Р.Моралес эгнига зарбоф ўзбек тўни, бошига эса ўзбек дўпписини кийган ҳолда конференцияда фахрий ўринлардан бирини эгаллаб ўтирди. Йиғилганлар Испания Ташқи ишлар вазирлиги ҳузуридаги Осиё мамлакатлари билан маданий ҳамкорлик бўйича бўлими «Сава Asia» директори Ф.Делаш, «Клавихо йўналиши» уюшмаси президенти М.Ортуньо, «Клавихо — Амир Темур» Ўзбекистон — Испания дўстлик жамияти президенти Р.Моралес, Испания жўғрофий уюшмаси президенти Д.Бернар, Мадрид университети профессори Ф.Эстрада ҳамда Ўзбекистон делегацияси раҳбари Н.Ҳабибуллаев маърузаларини катта қизиқиш билан тингладилар.

Йиғилганлар Испания Ташқи ишлар вазирлиги ҳузуридаги Халқаро ҳамкорлик бўйича агентлик томонидан «Кастилиядан Самарқандга дипломатия миссияси» сарлавҳаси остида нашр этилган де Клавихо кундаликларининг сўнгги таҳрири билан танишдилар.

Анжуманда сўнг фотокўргазма ва «Клавихо йўналиши» уюшмаси аъзоларининг қадимги Амир Темур давлати ҳудуди бўйлаб қилган саёҳати давомида тасвирга олинган видеофильм тақдимоти бўлиб ўтди.

«Жаҳон» АА

Семинарлар

ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ МОНИТОРИНГИГА БАҒИШЛАНДИ

ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ МОНИТОРИНГИ: БУГУН У ҚАНДАЙ БЎЛИШИ КЕРАК, КИМ УНДА ИШТИРОК ЭТАДИ, АҲАМИЯТИ ВА САМАРАСИНИНГ ЯНАДА ОШИШИ УЧУН УНИ ҚАНДАЙ УСУЛЛАРДА ЎТКАЗИШ ЗАРУР?

Куни кеча Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институтида «Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги: назария ва амалиёт масалалари» мавзуида бўлиб ўтган илмий-амалий семинарда юқоридаги каби қатор саволларга жавоб берилди. Юртбошимизнинг ўтган йил 10 мартдаги «Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислоҳ қилиш ҳамда модернизациялаш мақсад ва вазифаларини амалга ошириш Дастури тўғрисида»ги қарорига бинoан тасдиқланган «Давлат қурилиши ва бошқаруви соҳасида қонунчилик ҳокимиятининг таъсири ва ролини кучайтириш соҳасидаги устувор йўналишларни амалга ошириш концепцияси» талабларига мувофиқ ўтказилган ушбу тадбирда сўз олган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти директори Фозилжон Отахонов, мазкур институт директори ўринбосари Шуҳрат Файзиев, Адлия вазири ўринбосари Ҳожи-Мурод Исоқовлар амалдаги қонунлар мониторинги тушунчаси, турлари, асосий йўналишлари, мақсад ва вазифалари, тамойиллари, босқичлари, объект ва субъектларига алоҳида тўхталиб ўтдилар.

Айтиб ўтиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти йил давомида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг норма ва қоидалари тўлиқ рўёбга чиқарилиши ҳамда уларнинг қўлланиши, шунингдек қабул қилинаётган қонун ҳужжатларида ҳуқуқий нормаларнинг ўзаро боғланиши, комплекслиги ва уйғунлиги юзасидан мониторинг ўтказиш борасида маълум даражада тажрибага эга бўлди. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги, «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонунлари ва уларни қўллаш амалиётининг мониторинги ўтказилди. Бундан ташқари, институт томонидан қонун лойиҳаларига асосланган эксперт баҳолари берилди. Юздан ортиқ ҳуқуқий хулосалар тайёрланди.

Олий Мажлис Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари, юридик таълим муассасалари талабалари ва ОАВ вакиллари иштирок этган ушбу анжуманда илмий ва амалий аҳамиятга эга бўлган тавсиялар ишлаб чиқилди. Амалдаги қонун ҳужжатларининг мониторинги соҳасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти ва бошқа давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштиришнинг ҳуқуқий асосларини аниқлаш зарурияти тўғрисидаги таклиф илгари сурилди. Шунингдек, ислоҳотларнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш ҳамда мустаҳкамлашда қонун ҳужжатлари мониторинги имкониятларидан самарали фойдаланиш лозимлигига эътибор қаратилди.

Шоира МУҲАМЕДОВА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ 2004 ЙИЛ 24 СЕНТЯБРДА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН «ПЛАСТИК КАРТОЧКАЛАР АСОСИДА ҲИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚАРОРИ ИЖРОСИ ЮЗАСИДАН АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ «ЎЗТАДБИРКОРБАНК» ТИЗИМИДА ҚАТОР ИШЛАР АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА.

Карор ва ижро

ҚУЛАЙ, ТЕЗКОР, ЗАМОНАВИЙ

— Банкимиз Республика банклар уюшмаси томонидан ўтказилган тендерда ғолиб чиққан «Sercotec Select Inc» компанияси билан шартнома имзолагач, — дейди «Ўзтадбиркорбанк»нинг Пластик карточкалар билан ишлаш, меҳнат ва иш ҳақи ҳисоб-китоби бошқармаси бошлиғи Бекмуҳаммад Холбеков, — етмиш минг дона пластик карточка ҳамда 300 та терминал ва DUET дастури бўйича ишлайдиган техник жиҳозлар келтирилди. Терминаллар асосан турғун савдо шохобчаларида, банк кассалари, коммунал тўловлар қабул қилиш пунктлари ва умумий овқатланиш шохобчалари ҳамда аҳолига пуллик хизмат кўрсатувчи бошқа муассасаларда ўрнатилди.

«Ўзтадбиркорбанк» ўтган йилнинг 1 мартидан бошлаб ўзининг пластик карточкаларини муомалага чиқарди ва уларнинг барчасини юридик ҳамда жисмоний шахсларга тарқатишга эришди. Мазкур тизимни кенгайтириб бориш мақсадида банкнинг вилоят бошқармаларида DUET дастури кенг жорий қилиниб, тижорат банкларининг барча турдаги пластик карточкалари ва терминаллари орқали амалга ошириладиган ҳисоб-китоблар механизми йўлга қўйилди.

Таъкидлаш жоизки, пластик карточкалар сабаб эмиссия ҳажмининг ошиши билан бирга амалга оширилаётган пул айланмаси ҳажми ҳам тез суръатларда ўсмоқда. Жорий йилнинг 1 апрель ҳолатига кўра пластик карточкалар воситасида амалга оширилган миллий валютадаги пул айланмаси 1,5 миллиард сўмдан ошди.

Шу кунларда банк ўз мижозларига пластик карточкалар орқали янги хизмат турларини жорий этиш мақсадида корпоратив ва кредит карточкалар бўйича қатор муҳим тадбирларни амалга оширмоқда.

ЎзА

ЁШЛАРДА МИЛЛИЙЛИК ТУЙҒУЛАРИНИ КУЧАЙТИРИШ, ЎҚУВЧИ-ТАЛАБАЛАР ЎРТАСИДА ЎЗБЕК МИЛЛИЙ ЎЙИНЛАРИ, УРФ-ОДАТЛАРИ, ҚАДРИЯТЛАРИ ВА БОЙ МЕРОСИМИЗНИ АВАЙЛАБ-АСРАШ, УЛАРНИНГ БАРЧАСИНИ ЯНГИ АВЛОДГА ЕТКАЗИШ, ЎЗБЕК МИЛЛИЙ МУСИҚА САНЪАТИ ВА МАДАНИЯТИНИ ЁШЛАР ОРАСИДА КЕНГ ТАРҒИБ ҚИЛИШ, САҚЛАБ ҚОЛИШГА ҲИССА ҚЎШИШ МАҚСАДИДА «КАМОЛОТ» ЁИҲ ШАЙХОНТОҲУР ТУМАН БЎЛИМИ ТОМОНИДАН «ҚАДРИЯТ, УРФ-ОДАТ, АНЪАНА ВА ЁШЛАР» ЛОЙИҲАСИ ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ЭДИ.



ЁШЛАР ФЕСТИВАЛИ



Шайхонтоҳур туман ҳокимлиги, туман халқ таълими бўлими, туман хотин-қизлар қўмитаси, «Маҳалла» жамғармасининг туман бўлими, Болалар ижодиёти уйи ҳамкорлигида ташкил қилинган ушбу лойиҳа асосида «Зарафшон» кино концерт залида «Қадрият, урф-одат, анъана ва ёшлар» фестивали ўтказилди. Ушбу фестивалда 250 нафардан ортиқ ёшлар, ота-оналар иштирок этдилар.

Фестивалда Миср маданияти маркази, хорижий давлатларнинг Ўзбекистондаги элчихоналари, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар Халқ таълими бошқармаси, Тошкент шаҳар Ўқувчилар ижодиёти марказидан ходимлар таклиф этилдилар.

Фестивалда «Баҳор вальси», «Феруз» шоу-балети, «Тантана» вокал гуруҳи, «Марварид» гуруҳи, «Шодиёна» вокал дастаси ўз чиқишлари билан бадиий қисмни очиб бердилар. Сўнгра саҳнада Шайхонтоҳур Болалар ижодиёти уйининг «Дизайн ва либос» йўналиши бўйича таълим оладиган ўқувчилари ўз қўллари билан яратган либослари кўргазмаси бўлиб ўтди. «Табиат», «Баҳор», «Шарқ», «Авангард» йўналишлари бўйича яратилган либослар кўргазмаси барчага манзур бўлди.

Ойгул РУСТАМОВА

СУРАТЛАРДА: фестивалдан лавҳалар.

ҲАЙРЛИ ТАШАББУС

ФАСЛЛАР КЕЛИНЧАГИ БАҲОРНИНГ ЭНГ ГЎЗАЛ, МУБОРАК ВА НАФОСАТГА ТЎЛИҚ АЙЁМИ АЗАЛИЙ НАВРЎЗ ЎЗИ БИЛАН ҲАР БИР КЎНГИЛГА КЎТАРИНКИЛИК, ХУШНУДЛИК, ЭЗГУЛИК ОЛИБ КЕЛАДИ, ДЕСАК МУБОЛАҒА ҚИЛМАГАН БЎЛАМИЗ. БАЙРАМЛАР, ШОДИЁНАЛАР ЁШЛАРИМИЗ, УЛАРНИНГ ЎЙИН-КУЛГУЛАРИ БИЛАН ЯНАДА ШУКУҲЛИ ЎТИШИНИ ЯХШИ БИЛАМИЗ.



Айнан ана шу мақсадда «Камолот» ЁИҲ Тошкент шаҳар Кенгаши ташаббуси билан баҳорий айёмга бағишланган байрам сайиллари шаҳримизнинг ҳар битта туманида ташкил қилинди. «Камолот» ЁИҲ Ҳамза туман бўлими Кенгаши томонидан уюштирилган байрам сайли ҳам ўзгача руҳда ўтди. Тумандаги Зебо Шамсиддинова маҳалласида эрта тонгдан дошқозонларда сумалаклар пиширилиб, баҳорий таомлар байрам дастурхонига қўйилди. Азал-азалдан мерос бўлиб келаётган лапар, ялла, куй-қўшиқлар ёшлар томонидан ижро этилиб, ўйин-кулгу авжи узоқ-узоқларга таралди.

Шунингдек, тумандаги «Авиасозлар» маданият саройида барча мактаб, лицей, коллежлар ўқувчилари иштирокида варраклар сайли ҳам ўтказилиб, болаларнинг ўз қўллари билан ясаган турли-туман варраклари уларнинг орзулари сингари кўкка парвоз қилди.

Озода РИХСИЕВА

СУРАТДА: бўлиб ўтган тадбирдан лавҳа.

Тадбирлар

БАРЧА БИРДЕК ЭЪЗОЗДА

МАЪЛУМКИ, ҲОМИЙЛАР ВА ШИФОКОРЛАР ЙИЛИ, ҚАДР-ҚИММАТ АЙЁМИ — НАВРЎЗ БАЙРАМИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЮРТИМИЗНИНГ БАРЧА ЖОЙЛАРИДА НОГИРОНЛАР, КАМ ТАЪМИНЛАНГАН ОИЛА АЪЗОЛАРИ УЧУН ХАЙРИЯ ТАДБИРЛАРИ УЮШТИРИЛМОҚДА.

Тошкент шаҳар ўзаро ижтимоий ёрдам «Меҳрибонлик» жамияти томонидан ташкиллаштирилган байрам тадбирига ҳам 350 нафардан ортиқ ижтимоий ҳимояга муҳтож, ногиронлар таклиф этилди.

—Асосан Мирзо Улуғбек ва Юнусобод туманларида истиқомат қилувчи ногиронлар ва уларнинг оила аъзолари иштирок этган ушбу хайрия тадбирини ўтказишда ҳомийларимиз, шаҳримиздаги ишлаб чиқариш корхоналари, «Сабфо текс» масъулияти чекланган жамияти ва «Нур» ресторани раҳбарияти яқиндан ёрдам бердилар, — дейди Тошкент шаҳар ўзаро ижтимоий ёрдам «Меҳрибонлик» жамияти раиси Ҳабибулла Жалилов. — Маълумки, жамиятимизнинг асосий фаолияти ногиронларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш ва байрам тадбирларини уюштириш, имкон даражасида уларни иш билан таъминлаш ва ҳуқуқий ёрдам кўрсатишга қаратилган.

Муҳташам «Нур» ресторанида уюштирилган байрам тадбирида Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси, Мирзо Улуғбек тумани ҳокимлигидан вакиллар совға-саломлар билан келиб тадбир иштирокчиларини меҳр-оқибат ва эзгулик айёми билан қутлашди.

Тадбирда Мирзо Улуғбек туман маданият ва спорт ишлари бўлими тасарруфидаги «Феруза» ва «Гулшан» маданият уйлари санъаткорлари томонидан ижро этилган дилрабо куй-қўшиқлар йиғилганлар кўнглини хушнуд этди.

— Мен ушбу «Меҳрибонлик» жамияти аъзосиман, — дейди жумладан тадбир иштирокчиси Шарифа Ҳидоятова. — Мана неча йилдирки, жамият ўз аъзоларига яқиндан ёрдам бериб, қўллаб-қувватлаб келмоқда. Шу фурсатдан фойдаланиб, жамиятимиз раҳбариятига ўз миннатдорчилигимни билдираман.

—Биз қарияларга кўрсатилаётган ҳурмат, эҳтиромдан кўнглимиз тоғдек кўтарилди, — дейди Мирзо Улуғбек туманида истиқомат қилувчи 67 ёшли отахон Раҳматулла Султонхўжаев. — Аввало, ушбу тадбир ташкилотчиларига ўз раҳматимни айтаман. Шуниси қувонарлики, улар ҳеч бир ногирон, ижтимоий ҳимояга муҳтож кишиларни эътибордан четда қолдирмайдилар.

(Ўз мухбиримиз)

Илмий лабораторияларда

ЯНГИЛИККА ИНТИЛИБ ЯШАШ — ТАРАҚҚИЁТ ГАРОВИ

БУГУНГИ КУННИ ФАН-ТЕХНИКАСИЗ ТАСАВВУР ЭТА ОЛАСИЗМИ? ЙЎҚ, АЛБАТТА. АММО БУ САВОЛНИ НЕЧОҒЛИК ЎРИНЛИ ЁКИ ЎРИНСИЗ ДЕЙИШДАН АВВАЛ, ҚУЙИДАГИ ФИКРИМИЗГА БИРОЗ ҚУЛОҚ СОЛИБ КЎРИНГ.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда илм, фан ва техника ривожига жуда катта эътибор берилмоқда. Бу борада Ўзбекистон Фанлар академияси томонидан турли йўналишдаги тадқиқотларнинг самарадорлигини ошириш, уларни ишлаб чиқаришга жорий этиш йўлида талайгина ишлар амалга оширилмоқда дейиш мумкин.

Бугунги кунда академия тузилмаларида олимлар қандай янги изланишлар билан машғул эканлигига қизиқиб, биз Умумий ва ноорганик кимё институтига ташриф буюрдик.

Маълум бўлишича, бу институт кимё йўналиши бўйича республикамизда энг йирик илмий-тадқиқот муассасаларидан бири ҳисобланади. 1933 йилда ташкил этилган бўлиб, Ўсимлик моддалари кимёси, Биоорганик кимё ҳамда Полимерлар кимёси ва физикаси — учта институтни бирлаштиради. Йўналиши эса халқ хўжалигининг турли соҳалари учун мажмуавий тарзда кимёвий қайта ишлашнинг илмий ва амалий асосларини ишлаб чиқишдан иборат. Ушбу йўналишда замонавий асбоб-ускуналар ва ҳисоблаш техникалари билан жиҳозланган 15 та илмий лаборатория фаолият кўрсатмоқда.

— Ҳозирги пайтда лабораториямизда маҳаллий хом ашёлар асосида ўтга чидамли керамик, шиша, сиртқоплама ва цемент олишнинг технологик жараёнлари устида илмий изланишлар ва кам вазнли кимёвий маҳсулотлар олиш учун амалий ишлар олиб бормоқдамиз, — деди биз билан суҳбатда инновацион гуруҳ раҳбари, силикатлар кимёси лабораторияси мудири Пўлат Орипов. — Мамлакатимизнинг беҳисоб ер ости ва ер усти бойликларга эгалиги, табиати, иқлими қулай эканлиги эса бизга бу борада кўл келмоқда. Айни мана шу масала устида изланиш олиб боришимизнинг боиси ўтга чидамли маҳсулотларга талаб жуда катта эканлигидадир. Статистик маълумотларга қараганда эса, кўплаб хорижий мамлакатлар ўтга чидамли хом ашёларни ишлаб чиқаришдан катта даромад олар экан. Ўзбекистонга ҳам шунга ўхшаш маҳсулотлар Чехия, Словакия ва Урал бўйларидан олиб келинади. Шуни айтиб ўтиш жоизки, бизда айни мана шу маҳсулотларга керак бўладиган маъданлар аниқланган. Масалан, вермакулитни олайлик. Айни кунда бу маъданни қайта ишлаб, ғовакли вермакулитни олдик. Бу кашфиёт эса бизга ҳам иқтисодий, ҳам янги маҳсулотларни ишлаб чиқаришимиз учун катта имкониятлар очади. Ғовакли вермакулит иссиқлиқ тармоқларида, темир йўл вагонларида тез ёнувчи маҳсулотларни ёнғиндан сақлаш учун кенг қўлланилади. Бундан ташқари, ғовакли вермакулитнинг таркибида магний элементи мавжудлиги қишлоқ хўжалигида ҳам жуда катта ёрдам беради. Ўғит сифатида қўлланган вермакулит ҳосил унумдорлигини 3-4 баробар оширади. Бироқ бу тадқиқотлар натижаларини ҳаётга татбиқ этиш масаласи жаҳон андозаларига жавоб берадиган тегишли асбоб-ускуналар бўлмаганлиги туфайли муаммо бўлиб қолаётир.

Институт олимларининг фикри билан айтганда, бугунги кун талаби шундан иборатки, қишлоқ хўжалигида, шу жумладан пахтачилик, чорвачилик, сабзавотчилик, пиллачиликда, шунингдек мелиорация ва ирригация соҳасида, ер унумдорлигини ошириш бобидаги агротехника ва агробиологик усулларни жиддий ўзгартириш ва жаҳоннинг энг илғор тажрибаларини жорий этиш лозим. Шулардан келиб чиққан ҳолда институт илмий ходимлари томонидан ёш аспирантлар билан биргаликда таркибида фосфор, кальций, азот ва олтингугурт ушлаган мураккаб ўғитнинг янги турларини олиш устида изланишлар олиб борилмоқда.

— Ҳозирги кунда қишлоқ хўжалигида фосфорли ўғитларга талаб катта. Лекин эҳтиёж Олмалиқ ва Самарқанддаги кимё саноати корхоналари, Қўқондаги суперфосфат заводи ишлаб чиқариш ҳажмлари ҳисобига бор-йўғи 20-25 фоизга қондириб келинмоқда. Бу дегани бундай ўғитларнинг 70-75 фоизи чет мамлакатлардан импорт қилинади, — дейди аспирант Аҳмад Раемов. — Шуни айтиб ўтиш жоизки, ҳозир лабораториямизда марказий Қизилқум фосфоритларидан арзон ва сифатли фосфор ва азотли ўғитлар олишнинг илмий асосларини яратдик ва уни қишлоқ хўжалигида татбиқ этиш жараёнини ҳам бошлаб юбордик.

Шуни ҳам алоҳида айтиб ўтиш керакки, институт олимлари нефть кимёси ва нефтни қайта ишлаш, коллоид кимёси ҳом ашёларини қайта ишлаш, керамик ва қурилиш материалларини олиш, қишлоқ хўжалиги учун агрохимикатлар ишлаб чиқариш борасида фундаментал ва амалий изланишлар ўтказишда кўп йиллик тажрибага эгадир. Илмда ҳам ҳамжиҳатлик ва ҳамкорлик, кашф этилган янги ғояларни вақтида ва тўғри баҳолай билиш, энг мақбул ва самарали ғояларни қўллаб-қувватлаш катта аҳамиятга эга эканлиги, шубҳасиз.

Бугун биз Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Умумий ва Ноорганик кимё институти олиб бораётган иш жараёни билан оз бўлсада, танишиб ўтдик. У ерда олиб борилаётган изланишлар билан бирга муаммоларни ҳам ўрганишга ҳаракат қилдик. Хулоса ўрнида шуни айтиб ўтмоқчимизки, бугунги кунда илму фан даргоҳларида ҳақиқатан ҳам кўп саъй-ҳаракатлар қилинмоқда, аммо сир эмаски, кўплаб ноёб илмий изланишлар ҳаётга татбиқ этилмасдан қолаётир. Бунинг нечоғлик долзарб масала эканлиги тушунарли, шу боис турли соҳа мутахассисларини фикр алмашишга чақирамиз.

Ёқутхон СУЛАЙМОНОВА, Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультетининг биринчи босқич талабаси.

Амир Темур таваллудининг 670 йиллигига

СОҲИБҚИРОН — ҲУНАРМАНДЛАР ҲОМИЙСИ

Соҳибқирон Амир Темур саъй-ҳаракатлари билан ўзбек халқи тарихида бадиий-монументал ва амалий санъатнинг оламшумул ноёб асарлари яратилди. Бу асарлар ҳанузга қадар ўзининг юксак бадиий услуби, гўзаллиги, шаклларининг нафислиги яратувчиларнинг нозик дидли ҳамда теран фикрли санъаткор бўлганлигидан далолат бериб турибди. Бу ҳайратомуз манзарани биноларнинг ички ва ташқи безакларида, нафис кошинларда, бўртма ганч ўймаларида, тош ва ёғочларда ўйилган сержилва нақшларда, металл ва чармга солинган турли гулларда, гиламлар, шоҳи-атласлар, сўзаналарнинг жозибали рангларида кўриш мумкин.

Ҳа, халқимизнинг амалий санъати қадимий тарихга эга. Ота-боболаримиз заргарлик, зардўзлик, наққошлик, ўймакорлик, гилам тўқиш ва тўқувчилик ҳунарларида катта маҳорат кўрсатганлар. Дарҳақиқат, Самарқанд заргарлари ва мисгарларининг нафис буюмлари, шойи ва атласлари, шунингдек сифатли қоғози билан ҳам Шарқдаги барча мамлакатларда машҳур бўлган. Амир Темур ҳукмронлиги даврида қадимий Самарқанд қиёфаси бутунлай ўзгариб, янгича усулда қайта қурилди.Ва у яна гўзаллашди. Шаҳарда Кўксарой, Бўстонсарой, Бибихоним масжиди ва Шоҳизинда мавзолейи қад кўтарди. Амир Темур Самарқандни жаҳоннинг йирик савдо ва ҳунармандчилик марказига айлантириш мақсадида бир қанча тадбирларни амалга оширди. У энг аввало бинокорлик, кулолчилик, темирчилик, заргарлик, тўқувчилик ва қоғоз ишлаб чиқариш соҳаларини ривожлантиришга катта эътибор берди.

Шаҳар ичи ва атрофларида косибларни ўз ҳунарларига қараб алоҳида гузарларга жойлаштирди. Бунинг учун янги бозор расталари, савдо дўконлари барча нарсаларни тартиб билан сотиш учун шаҳар бўйлаб катта кўча чиқариш ва унинг икки томонида мол сотиш дўконлари қуришга фармойиш берди. Бу дўконлар Бибихоним масжидидан тортиб, то Шердор мадрасасигача чўзилган бўлиб, йўлнинг икки томонини банд қилар эди.

Амир Темур Шаҳрисабз ва пойтахт Самарқандни дунёнинг кўп жойларидан моҳир ҳунармандлар ва қўли гул усталарни олиб келиши натижасида йирик ҳунармандчилик ва савдо марказига айлантира борди. Самарқандниг бойлиги озиқ-овқатларнинг мўл ва арзонлигидагина эмас. Бу ерда тўқиладиган атлас, кимхоб, сендал ва терсенал сингари шоҳи газламалар, мўйна ва шохидан тайёрланган астарликлар, упа-элик, пардоз моллари, зиравор-дориворлар, зарҳал ва кўк ложувард бўёқлар ҳам мўл-кўл эди. Соҳибқирон шаҳарнинг шуҳратини ошириш борасида кўп саъй- ҳаракатлар қилди, ҳар хил истеъдодли ҳунармандларни йиғишга, айниқса, кўп эътибор берди. «Дамашқдан фазл ҳунар эгаларини, турли-туман санъат аҳллари, тўқувчилар, тиқувчилар, сангтарошлар, дурадгорлар, чодир тикувчилар, наққошлар, камон ва бошқа қуроляроғлар ясайдиган, шиша ва сопол идишлар ишлаб чиқарадиган ҳунармандларни Самарқандга олиб келади. Булардан ташқари муҳандислар, тўпчилар, тўқувчилар ва бошқаларни олиб келганди,» — деб ёзади Темурнинг саройида бўлган Испания элчиси Рюи Гонзалес де Клавихо.

Шунингдек, Халабнинг машҳур пахта йигирувчи корхоналари, Анқаранинг мовут корхоналари, Туркия ҳамда Гуржистоннинг заргарлари ва яна кўп санъат корхоналари ишчилари Темур буйруғи билан Самарқандга кўчириб келтирилди. Тарихчи ибн Арабшоҳ ўша даврдаги заргарлардан ал-Ҳожи Али Шерозий ва ал-Ҳожи Муҳаммад Ҳофиз Шерозий ва бошқалар, сангтарошлардан катта бир гуруҳи бор бўлиб, уларнинг энг кўзга кўрингани Олтун эди. У ўз ҳунарида бир мўъжиза кўрсатиб, қимматбаҳо тошларга нақш солар, яшмга, ақиққа, ёқут (Ҳамавий)нинг хатидан ҳам чиройлик хат билан ўйиб ёзади,» — деб унинг моҳирлигини таърифлайди. Ибн Арабшоҳ наққошларнинг кўп бўлганлигини таъкидлаб, уларнинг энг моҳири Абдулҳай ал-Бағдодий эканлигини ёзади ва уни санъатда моҳир эди, деб тавсифлайди. Шунингдек, муаллиф боғдорчилик ишида машҳур мутахассис Шоҳобиддин Аҳмад аз-Зардкаший ҳақида ҳам зикр қилиб, мис ва шишага нақш соладиганлар эса сонсиз-саноқсиз кўп эди, деб ёзади.

Амир Темур ҳар қандай ҳунар ва касб бўлмасин, агар унда бирон фазилат ва шарофат бўлса, шу касбнинг эгаларига ғоятда меҳр қўйган эди. Амир Темурнинг бевосита раҳбарлигида сопол идишлар, гулдон, пиёла, коса, кўза, хум ва бошқа сержило буюмлар: ўймакор нақшлар, эшиклар, устунлар, панжаралар, металлга ишлов бериш, чойнак, чойжўш, офтоба, жом, баркаш, дастжуй, ҳунармандчиликнинг заргарлик, мисгарлик, тоштарошлик, шишасозлик, пичоқсозлик, ганчкорлик, аравасозлик, чилангарлик, бинокорлик каби турлари етакчи ўрин эгаллади.

Амир Темур ҳукмронлиги даврида ҳунармандчиликнинг нозик турларидан бири заргарлик санъати ҳам юксак ривожланган эди. Заргарлик буюмларининг энг нозик хиллари олтин ва кумушдан тайёрланиб, унга феруза, лаъл, ёқут, марварид сингари асл тошлардан безак туширилиб янада сайқал берилган. Бу даврда эркаклар учун камёб узуклар, аёлларнинг бошига киядиган безаклари, тиллақош, зирак ва туморлар кўплаб тайёрланган. Самарқандниг қўли гул заргарлари тайёрлаган бу зеб-зийнат буюмлари, тақинчоқлар кўпчиликка маълум ва манзур бўлган. Амир Темур ҳар йили Конигил майдонида ҳунармандлар тайёрлаган турли-туман, нафислиги ва пишиқлиги билан бир-биридан ажралиб турадиган буюмлар, санъат асарлари кўргазмасини ташкил этиб, шу соҳани синчиклаб ўрганиб, ҳар йилнинг ўзига хос ҳунармандчилик буюмлари сифати ва сонига қараб, ҳунармандчилик соҳасини қай даражада ривожланаётганлигини кузатар эди. Қайси соҳа оқсаётир, яъни сифати паст маҳсулот тайёрламоқда ва қайси соҳани ривожлантиришга эътибор берилишини аниқлар эди. Темур назарида бу кўргазмалар Самарқанд ҳунар аҳлининг ўша давр ҳунармандчилиги ва санъати эришган ютуқларининг ўзига хос бир кўриги бўлганлигини ҳам англатар эди.

Хулоса қилиб айтганда, Амир Темур ҳукмронлиги даврида Бухоро, Самарқанд, Андижон, Тошкент, Шаҳрисабз, Қарши шаҳарлари Моваруннаҳрнинг йирик савдо ва ҳунармандчилик марказига айланиб, кун сайин ривожланиб борди. Бугунги кунда биз буюк Соҳибқирон бобомиз Амир Темур яратган беназир бой меросни ўрганишимиз, ҳозирги билим, ҳунар масканларида бу касбларни ўзлаштириб олишимиз ва уни ривожлантиришимиз зарур.

Рашид БОЙТИЛЛАЕВ

Камолот

Тенгдошларингиз

ИҚТИДОРЛИ ҲУНАРМАНДНИ ДУНЁ ТАНИЙДИ

ТАБИАТ НОЗИКЛИКЛАРИНИ ТЕЗ ИЛҒАБ ОЛУВЧИ ВА ГЎЗАЛЛИКНИ ЎЗИ ЯСАГАН БУЮМЛАРИДА АКС ЭТТИРУВЧИ ЗАРГАРЛАР МЕҲНАТИ ТАҲСИНГА ЛОЙИҚ. ҲОЗИРДА ЁШ БЎЛИШИГА ҚАРАМАЙ ЎЗБЕК МИЛЛИЙ АНЪАНАВИЙ ЙЎНАЛИШИДА ИЖОД ҚИЛАЁТГАН ЗАРГАР УСТА МУҲСИН ДАДАМУҲАМЕДОВНИНГ УСТАХОНАСИДА БЎЛГАНИМИЗДА У ЯСАГАН БУЮМЛАРНИ КЎРИБ, ЮҚОРИДАГИ СЎЗЛАР НЕЧОҒЛИК ТЎҒРИЛИГИГА ИШОНЧ ҲОСИЛ ҚИЛДИК.

Гўзаллик дунёни қутқаради, деган ибора бежизга айтилмаган. Ёш ҳунарманд сеҳри ва меҳри билан яратилаётган нафис заргарлик буюмларидаги гўзалликка кўз ташлаган ҳар қандай инсон бундан беихтиёр завқланиши табиий. Биламизки, анъаналар, қадриятлар секин-аста авлодларга ўтиб келиши сингари фарзандларга ота касби ва ҳунари ҳам мерос бўлиб ўтиши айни ҳақиқат. Ҳозирда Муҳсин Дадамуҳамедовнинг отаси Ўзбекистон халқ устаси Фасихиддин Дадамуҳамедов ҳам ўз ҳунари сирларини фарзандига ўргатиб келмоқда.

— Отам менинг биринчи устозим, — дейди Муҳсин. — Ушбу ҳунарга эсимни таниган пайтларимдаёқ меҳр қўйганман. Болалик чоғларимда отам устахонасида доимо бўлганим боисми, балки касбга муҳаббат ота қонидан менга ўтиб, юрагимга жойлашганми, бу ҳунарга меҳрим ўзгача.

Муҳсин ҳунар сирлари фақат амалда эмас, назариётда чуқурроқ очилишини англаб етгани боис 2002-2004 йилларда Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтининг санъатшунослик факультетида таҳсил олди.

— Ижодий ишларимда асосан мелхиор, мис, латун каби металлардан фойдаланаман, — дейди сўзини давом эттирар экан ёш ҳунарманд. — Зирак, узук, ханжар, шунингдек, турли тақинчоқ буюмлари ва уй жиҳозларигача буюртмага қараб ясайман ва ўзбек миллий анъанавий йўналишини ушбу буюмларга сингдиришга ҳаракат қиламан. Маълумки, авлоддан-авлодга ўтиб келаётган заргарлик санъатидаги миллийлик йўғрилган тақинчоқлар ўзига хослиги билан бошқалардан ажралиб туради ва ушбу йўналишда ишлаш менга завқ бағишлайди. Ҳозирда замонавий ва Европа заргарлик усталарининг ижодий ишларини ҳам ўрганиб келмоқдаманки, бунинг самараси келгусида ясаган буюмларимда акс этади деб ўйлайман.

Бугунги кунда нозик сим, ўймакорлик, эмаллаш, қорайтириш техникаларида ижод қила оладиган Муҳсин Дадамуҳамедов ишлари бир нечта кўргазма ва бадиий салонларда намойиш этилмоқда.



Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, 2002 йил январда Миср ва Германиянинг Триер шаҳрида қаҳрамонимиз ясаган буюмларнинг бир ойлик кўргазмаси бўлиб ўтган. Бир неча халқаро кўргазмаларда, шунингдек, халқ амалий санъати усталари кўргазмаларида «Энг ёш истеъдодли кўргазма қатнашчиси» дипломини қўлга киритган. Муҳсин Дадамуҳамедов шу йилнинг март ойида шахсий кўргазмасини очишга муваффақ бўлди. Ўзи фаолият юритаётган А.Ҳўжаев номли республика дизайн коллежи кўргазмалар залида очилган шахсий кўргазмасида Муҳсиннинг янги ишлари намойиш этилди. Уй жиҳозларидан шамдон, миллий тумор тақинчоқлари, арралаб ўйиш усулида ясаб, замонавийлаштиришга ҳаракат қилинган буюмлар кўргазманинг асосини ташкил қилди.

— Айнан ушбу кўргазма ўзим ишлаётган коллежда ташкил қилинганлигидан асосий мақсад шу ерда таълим олаётган ёшлар кўриб, ўрганиб, ўзларига тажриба тўплашлари ва бундан келиб чиққан ҳолда устозлари билан ҳамкорликда янгиликлар яратишларига имкон яратишдир.

Ёш бўлишига қарамай ҳаётга чанқоқ, ўз соҳаси ва ҳунарини қадрлайдиган Муҳсин Дадамуҳамедовни келгусида дунё танишига ишончимиз комил.



(Ўз муҳбиримиз) СУРАТЛАРДА: ёш заргар М. Дадамуҳамедов ўз маҳсулотлари билан. Наталья Семёнова олган суратлар.

Ҳамкорлик

ТАНЛОВ ҒОЛИБЛАРИ АНИҚЛАНДИ

КУНИ КЕЧА ПРЕЗИДЕНТИМИЗ, РАСМИЙ ТАШРИФ БИЛАН ЖАНУБИЙ КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИДА БЎЛГАНЛАРИДА ИККИ ДАВЛАТ УЧУН ҲАМ МУҲИМ ВА ФОЙДАЛИ БЎЛГАН БИР ҚАТОР ҲУЖЖАТЛАР ИМЗОЛАНДИ. АЙТИШ ЖОИЗКИ, КОРЕЯ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОН ЎРТАСИДАГИ АЛОҚАЛАР КЕЧА ЁКИ БУГУН БОШЛАНГАНИ ЙЎҚ. УЛАР ОЛДИНДАН РИВОЖЛАНИБ КЕЛГАН ВА БУНДАН КЕЙИН ҲАМ ТАРАҚҚИЙ ТОПИБ БОРАВЕРАДИ.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда Кореянинг бир қатор ташкилотлари самарали иш олиб бормоқда. Шундай ташкилотлардан бири **«Koica»** ҳисобланади. **«Koica»**нинг юртимиздаги баъзи университетларда олиб бораётган ишлари таҳсинга лойиқдир. Жумладан, ушбу ташкилот ташаббуси билан Сергели туманида жойлашган Корейс тили марказида «Корейс тили нотиқлик санъати» мавзусида танлов ўтказилди. Бу танловда Тошкент шаҳри ва Республикамиз вилоятларидан келган корейс тилини ўрганувчилар ўзаро беллашдилар. Тўрт соат давом этган танлов анча қизиқарли ва муросасиз кечди. Корейс мутахассислари талабалар билимини юқори баҳолашди. Танлов сўнггида 15 нафар иштирокчилар орасидан Нукус Давлат университети талабаси И. Чуриёна ва ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультети талабаси Дилором Ражабовалар «Энг яхши қатнашчилар» деб топилди. Иккинчи ўринни Е.Ким эгаллаб, фотоаппарат билан тақдирланди. ЎзДЖТУ талабаси Гавҳар Темурова биринчи ўринни эгаллаб, компьютер соҳиби бўлди. Ниҳоят, олий ўринни эгаллаган Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети талабаси Ольга Кимга Корея Республикасида 1 йил давлат гранти асосида таҳсил олиши учун йўлланма топширилди.

Хуршид НЕЪМАТОВ, Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети халқаро журналистика факультети талабаси.

СЕРЖАНТЛАР ҚАСАМЁДИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ АКАДЕМИЯСИ ТАРКИБИДАГИ СЕРЖАНТЛАР ТАЙЁРЛАШ ОЛИЙ КУРСИ БИТИРУВЧИЛАРИНИНГ ТАНТАНАЛИ ҚАСАМЁД ҚАБУЛ ҚИЛИШ МАРОСИМИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Ички ишлар вазири, генерал-лейтенант Б.Матлюбов мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида суд-ҳуқуқ тизимини эркинлаштириш ва демократлаштириш борасида амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар ўз самарасини бераётганини алоҳида таъкидлади.

Жумладан, ички ишлар идораларида хизмат қилишни истайдиган ёшлар учун Ички ишлар вазирлиги академияси, Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактаби, Тошкент олий ҳарбий-техник билим юрти каби олий таълим даргоҳлари фаолият кўрсатаётгани фикримизнинг далилидир. Бунга жавобан эл-юртимиз осойишталигини сақлаш йўлида хизмат қилишни шараф деб биладиган ёшлар тобора кўпаяётгани қувонарли ҳол. Уларга бу борада давлат томонидан барча зарур имкониятлар яратилмоқда.

Ички ишлар вазирлиги академияси таркибида Сержантлар тайёрлаш олий курси ташкил этилгани бу борадаги яна бир хайрли ишлардан бўлди. 2004 йилнинг октябридан фаолият кўрсата бошлаган бу курс фидойи ёшлар ўз имкониятларини ишга солиши учун қулай шароит яратди.

—Курсга олий ва ўрта-махсус маълумотга эга, ички ишлар идораларида хизмат қилаётган ўрта маълумотли, жисмонан ва маънан етук, ҳарбий хизматни ўтаган 25 ёшгача бўлган ёшлар танлов асосида қабул қилинади, — деди академия бошлиғи ўринбосари, полковник Неъмат Расулов ЎзА мухбирига. — Олти ойлик ўқиш жараёнида курсантларга ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш, қўриқлаш ва патруль-пост хизмати, жазони ижро этиш муассасалари, ёнғин хавфсизлиги, хорижга чиқиш- келиш ва фуқароликни қайд этиш каби йўналишлар бўйича барча зарур назарий ва амалий билим берилади.

Учинчи бор ушбу курсни олти юз нафар сержант тамомлади. Бу гал уларнинг сафларида хотин-қиз мутахассислар ҳам бор.

ЎзА

НОЁБ МАНБАЛАР МУЗЕЙИ

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИДА НОЁБ МАНБАЛАР МУЗЕЙИ ОЧИЛДИ.

Унда қарийб бир ярим минг экспонат намойиш этилаётир.

— Университет ўз фаолиятини бошлаган йиллардан бугунги кунгача бўлган давр оралиғида олимларимиз томонидан йиғилган ушбу манбалар айни кунларгача илм даргоҳимиз кутубхонасида сақланиб келарди, — деди Ўзбекистон Миллий университети кутубхонаси директори Р.Асқарова ЎзА мухбирига.

— XVI-XIX асрларга оид мазкур қўлёзма ва тошбосма асарлар илм-фаннинг барча соҳаларини қамраб олгани билан аҳамиятлидир. Улар дастлаб дарслик ва ўқув қўлланма бўлиб хизмат қилган бўлса, бугунги кунга келиб муҳим тарихий манбага айланди.

Ушбу ноёб асарларни асраб-авайлаш ва келажак авлодларга асл ҳолича етиб боришини таъминлаш мақсадида ташкил этилган янги музейда ёш тадқиқотчиларга илмий изланиш олиб бориш учун барча шарт-шароит яратилган. Келажакда мазкур манбаларнинг электрон нусхаларини яратиш ҳам режалаштирилган.

СОВРИНДОРЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

ЁШЛАРНИНГ ИЖТИМОИЙ ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШ, УЛАРНИ ВАТАНИМИЗНИНГ ПОРЛОҚ КЕЛАЖАГИ ЙЎЛИДАГИ МЕҲНАТИ, БИЛИМ САРИ ИНТИЛИШИ, ЖАМОАТ ИШЛАРИДА ФАОЛ ИШТИРОКИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА ИЛМИЙ-ИЖОДИЙ ИЗЛАНИШЛАРИНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ МАҚСАДИДА 2002 ЙИЛ 17 СЕНТЯБРДА «КАМОЛОТ» ЁИҲ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ ИЖРОИЯ ҚЎМИТАСИ ҚАРОРИ АСОСИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «КАМОЛОТ» ЁИҲНИНГ ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ТАЛАБАЛАРИ УЧУН «КАМОЛОТ» СТИПЕНДИЯСИ ТАЪСИС ЭТИЛГАН ЭДИ.

Ушбу стипендия совриндорлари махсус танлов асосида аниқланади. Таълим муассасаси, вилоят ва республика босқичлари тартибида ташкил этилган танлов босқичи якуни бўйича ҳаракатнинг тегишли бўлими Кенгаши қарори чиқарилади ва кейинги босқичга номзодлар тавсия қилинади. Совриндорларга «Камолот» стипендияси совриндори» гувоҳномаси ва ҳар ойда уларга қўшимча пул маблағлари тўлаб борилиши белгиланган.

Шу нарса ҳам алоҳида аҳамиятлики, стипендияга ўз номзодини қўйган танлов иштирокчиларининг таълим муассасасидаги ўқиши, маъмурият ва жамоат ишларидаги фаоллиги, «Камолот» ЁИҲ фаолиятидаги иштироки, биронта фан соҳасида эришган ютуқлари матбуотда эълон қилинган материаллари ҳам инобатга олинади.

Шу ўринда қисқача маълумотларга мурожаат қилиб ўтадиган бўлсак, «Камолот» стипендияси жорий қилинган 2002-2003 ўқув йилида Республика комиссиясига 27 нафар номзод тавсия қилинган бўлса, шулардан 12 нафар талаба «Камолот» стипендияси совриндори деб топилди. 2003-2004 ўқув йилида эса тавсия этилган 55 нафар номзоддан 13 нафар талаба совриндор бўлди. 2004-2005 ўқув йилида Республика комиссияси 15 нафар номзодни стипендия совриндорлигига муносиб деб топди. Эътиборли томони шундаки, йилдан йилга номзодлар сони, улар томонидан тақдим этилган ҳужжатлар савияси ўсиб бормоқда.

Бу йилги танлов эса ўзгача руҳда ташкил этилган бўлиб, унда совриндорлар турли йўналишлар бўйича аниқланди. 2005-2006 ўқув йилида 99 нафар номзодлар орасидан 20 нафар ёшлар «Камолот» стипендияси совриндори деб топилди. Яқинда «Камолот» ЁИҲ Марказий Кенгашида ушбу совриндорларни тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Тадбирни «Камолот» ЁИҲ марказий Кенгаши раиси Ботир Убайдуллаев очди ва совриндорларни илк ютуқлари билан самимий табриклади.

Сўнгра совриндорлар бирин-кетин тақдирландилар. Уларга «Камолот» стипендияси совриндори» гувоҳномаси ва рамзий маънодаги чек тақдим этилди.

— «Камолот» стипендиясига муносиб топилганимдан жудаям хурсандман, — дейди Тошкент Давлат шарқшунослик институти халқаро алоқалар ва иқтисод факультетининг 2-курс талабаси Сардор Маҳкамов. — Бу албатта менга ва тенгқурларимга катта масъулият шу билан бирга янги-янги ютуқларни қўлга киритишда туртки бўлиши аниқ. Бизга берилган катта ишончни оқлаш, Ватанимиз равнақи йўлида хизмат қилиш бармоғимиз учун шарафли бурч.

Камола БУРХОНОВА

БУГУНГИ КУНДА АЙРИМ ЁШЛАРИМИЗНИНГ «...БУ ЎҚИШГА ЎЗИМ ЁҚТИРИБ КИРМАГАНМАН, ОТА-ОНАМНИНГ ҚИЙИН-ҚИСТОВИ БИЛАН ЎҚИГАНМАН. ЎҚИШНИ БИТИРИБ ДИПЛОМ ОЛСАМ ҲАМ БУ СОҲАДА УМУМАН ИШЛАМАЙМАН, МЕНГА АСОСАН ДИПЛОМ БЎЛСА БЎЛГАНИ. КЕЙИНЧАЛИК ОСОНРОҚ СОҲАГА ИШГА ЖОЙЛАШИБ ОЛАРМАН», ДЕГАН МАНТИҚСИЗ ФИКРЛАРИГА ДУЧ КЕЛАМИЗ.

Мулоҳаза

ҚАСБИНГИЗНИ СЕВАСИЗМИ?

Аммо, «...тўрт йил мобайнида айнан шу факультетга ҳужжат топшириб, имтиҳонлардан ўтолмаяпман, қанийди келгуси йил омадим чопиб, ўқув юртида таҳсил олишдек бахтга эришсам. Бу касбда ишлаш мен учун шараф» дегувчи орзуманд ёшларимиз ҳам кўпчиликни ташкил этади, албатта.

Шу ўринда фақат «диплом учун ўқувчи» ёшларимизнинг тақдири, уларнинг ҳаётга, касбга нисбатан «енгил» фикрлари кишини ўйлантириб қўяди. Маълумки, қизиқиш, хоҳиш, истак кишини не-не ишларни уддалашга, ҳаттоки кашфиётлар яратишга ҳам ундовчи туйғу ҳисобланади. Биламизки, мана шу туйғу туфайли қадимда ота-боболаримиз юлдузларнинг янги номларини кашф этишган. Ҳозирда Осиё билан бирга Европага ҳам дастурламал ҳисобланган «Тиб қонунлари»дек асарни ёзишга, ўша меҳр туфайли ягона қалам билан жаҳонни забт этишга мушарраф бўлганлар. Соҳани улуғловчи, ўз касбини юрагидан севувчи инсонларнинг келажагига назар солсак, барчасида ёруғ ва нурафшон йўллар кўринади. Шу ўринда яна «диплом учун ўқувчи» ёшларга қайтсак. Журналистика факультетида ўқиш учун турли вилоятлардан келган айрим ёшларнинг бу факультетнинг «Ҳарбий кафедра»си борлиги учун таҳсил олаётганлари тўғрисидаги гапларини эшитганда эса кўнгил оғрийди. Шунинг учун ҳам улар орасида чалкаш икки оғиз жумлани тўғрилашга эпи келмайдиганлар ҳам кўплаб учрайди. Бу эса шу соҳага бутун меҳрини, қалб қўрини бахшида этган инсонларни ҳақоратлаш билан баробар эмасми ёки бўлмаса ўзлари қобилиятли аммо омади чопмаган тенгдошларимизнинг кўнгилларини ўкситмайдими? Мана бу сўзларга эътибор беринг-га.

— Мен ҳам сизлардек журналистика факультетига ўқишга кирган эдим, аммо ўқишимни филология факультетида тугалладим. Очиғи, бир ой мобайнида ўзимни бу соҳада ортиқчалигимни, қобилиятим етишмаслигини сезиб қолдим. Яхши ҳамки, хатоимни ўз вақтида англаб етганим, бўлмаса умр бўйи афсусда ўтардим.

Домламизнинг дилдан айтган бу сўзлари ҳар биримизга «Сен ҳам бу соҳада ортиқча эмасмисан? Шу соҳани юксалтиришга кучинг, имконинг борми? Келажакда бизларни уялтириб қўймайсанми?» каби саволларни бераётгандек туюларди назаримизда.

Сиз ҳам азиз тенгдошим, ўз касбингизни севасизми? Шу соҳа учун яралганлигингизни, доимо керакли эканингизни ҳис қиласизми? Агар шундай бўлса, демак сиз бахтлисиз.

Озода РАҲМАТОВА

ҲАР ҚАЙСИ ДАВЛАТ, ҲАР ҚАЙСИ МИЛЛАТ ЎЗ ФАРЗАНДЛАРИ ҚИЁФАСИДА, УНИБ-ЎСИБ КЕЛАЁТГАН ЁШ АВЛОД ТИМСОЛИДА ШУ ХАЛҚҚА ХОС ЭНГ ГЎЗАЛ ФАЗИЛАТЛАРНИ НАМОЁН ЭТАДИГАН, УНИНГ ЭЗГУ ОРЗУ-НИЯТЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШДА МАРДЛИК ВА ФИДОЙИЛИК КЎРСАТИШГА ҚОДИР БЎЛГАН ЎЗ ТАЯНЧИ ВА СУЯНЧИНИ КЎРИШИ ТАБИИЙДИР. ВАТАНИМИЗНИНГ БУЮК КЕЛАЖАГИНИ ҚУРИШ, ОЛДИМИЗДА ТУРГАН КАТТА-КАТТА МУАММОЛАРНИ ЕЧИШ, МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ, ҲАЁТДА МИЛЛИЙ ВА УМУМБАШАРИЙ ҚАДРИЯТЛАР УЙҒУНЛИГИ ТАМОЙИЛИГА АМАЛ ҚИЛИБ ЯШАШДЕК МУҲИМ ВАЗИФАЛАРНИ ЁШ АВЛОДИМИЗ ЎЗИНИНГ МУҚАДДАС БУРЧИ ДЕБ БИЛАЁТГАНИ АЙНИҚСА ЭЪТИБОРГА ЛОЙИҚ.

Туманларда

ЁШЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЙЎЛИДА

Бунда эса ёшларимизга «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг кўрсатаётган йўл-йўриқлари ва ёрдамлари ниҳоятда қўл келмоқда. Маълумки, «Камолот» ўзини ўзи бошқарадиган, нодавлат-нотижорат ташкилотдир. Ҳозирги кунда ҳаракатнинг 14 вилоят бўлимлари ва 209 та туман бўлимлари мавжуд. Айни пайтда ушбу бўлимларда ёшларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг ҳуқуқий билимларини ошириш мақсадида турли лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилмоқда. Ушбу амалга оширилаётган ишлар билан яқиндан танишиш мақсадида «Камолот» ЁИҲ Шайхонтоҳур тумани бўлими Кенгаши раиси Бунёд Юлдашев билан мулоқотда бўлдик.

— Бугунги кунда туманимизда 41 та умумтаълим мактаблари, 17 та ўрта махсус касб-ҳунар коллежлари, лицейлар, 4 та олий ўқув юрти мавжуд бўлиб, унда 30713 нафар «Камолот» аъзолари фаолият юритадилар, — дейди Бунёд Юлдашев. — «Камолот»нинг туман бўлими томонидан ўтказиладиган лойиҳа ва тадбирларда биз билан туман ҳокимлиги, туман халқ таълими бўлими, хотин-қизлар қўмитаси, туман ИИБ, Болалар ижодиёти уйи яқиндан ҳамкорлик қилиб келмоқда.

— «Камолот» ЁИҲ Шайхонтоҳур туман бўлими маҳаллий ва хорижий ташкилотлар билан ҳам алоқаларни йўлга қўйганми?

— 2001-2006 йиллар мобайнида ҳаракатнинг Шайхонтоҳур туман бўлими «World Vision», БМТнинг Ўзбекистондаги ахборот маркази, «Uzbekistan-Japan Center for human development» маданият маркази, «ANAS», «Nico Couple» хорижий ташкилотлари, «Бунёдкор» ёшлар телеклуби, Тошкент шаҳар Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш федерацияси, Америка, Германия элчихоналари, «Истиқболли авлод» ёшлар маърифат маркази, «Маҳалла умидлари», «Оила» марказлари, «Маҳалла» жамғармаси билан ҳамкорликни яхши йўлга қўйиб, ушбу ташкилотлар билан биргаликда турли лойиҳаларни амалга оширишга муваффақ бўлдик.

— Тарихни ўрганиш, жисмоний ва маънавий соғлом авлодни шакллантириш борасида қандай ишлар амалга оширилди?

— Ўлка тарихини ўрганиш, буюк аждодларимиз мероси ва халқимизнинг бунёдкорлик ишларига юксак эҳтиром туйғусини сингдириш борасида «Сиз тарихни биласизми?», «Аждодларимиз мероси — буюклик рамзи» кўрик-танловлари ўтказилиб келинмоқда. Шунингдек, жисмоний ва маънавий соғлом авлодни шакллантириш борасида «Соғ танда — соғлом ақл», «Мен ҳаётни танладим» номли спорт мусобақалари, футбол, баскетбол, волейбол турнирлари ҳамда ҳарбий қисмларда ОИВ-ОИТС, гиёвандлик, ичкиликбозлик, «Инсонлар савдосининг олдини олиш», «Гендер тенглиги» каби глобал муаммолар юзасидан ўқув-семинарлар, тренинг машғулотлари, суҳбат, учрашув ва маърузалар ташкил этилди. «ОИТСсиз ёркин келажак сари» шиори остида туман миқёсида иншо, мақола, девор газеталар танловлари ўтказилди. Ёз давомида ёшларнинг бўш вақтларини унумли ўтказиш мақсадида тумандаги 49 та маҳаллада ҳар йили «Кўчма оммавий спорт» мусобақалари ўтказилиб келинмоқда.

«Тошкент — ёшлар нигоҳида», «Пойтахтимизда болалик» номли деворга расм чизиш акциялари ташкил этилди. Шунингдек, иқтидорли болаларни излаб топиш, уларнинг истеъдодларини намоён этиш мақсадида «Иқтидорли болалар форуми», «Ёш ижодкор» шиори остида қўшиқлар, шеърлар, рақс санъати бўйича кўрик-танловлар ҳам ўтказилди. Биргина 2006 йил ҳаракатнинг Тошкент шаҳар бўлими ва «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси томонидан ташкил қилинган «Интеллектуал олимпиада» лойиҳасида туманимиз жамоалари шашка, шахмат, «Сиз тарихни биласизми?», «Брейн-ринг», «Нима, қаерда, қачон?» интеллектуал ўйинларида фахрли 1-ўринни қўлга киритдилар.

— Кундан-кунга чирой очиб бораётган шаҳримиз ободончилиги йўлида ҳам қилинган ишларга тўхталсангиз.

— Ўзи истиқомат қилаётган кўча, маҳалла ва уйларни ободонлаштириш борасида туманда жойлашган маҳаллаларда «Энг озода кўчам», «Озода шаҳрим», «Хазон йиғиш» акциялари ўтказиб келинмоқда. Айнан ушбу ишларнинг давомийлиги сифатида «Ташкилотимизда кеча ва бугун», «Ер сайёраси тирик» лойиҳалари ҳам татбиқ этилмоқда.

Хулоса ўрнида шуни айтишимиз мумкинки, ёшларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, қўллаб-қувватлаш борасида уларга ҳар томонлама ёрдам қўлини чўзиб келаётган «Камолот»га ҳамиша омад ва муваффақиятлар ёр бўлишини тилаб қоламиз.

Орзугул РУСТАМОВА суҳбатлашди

Ўз-ўзи ўрганиб доно бўлур...

МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

ҲИКОЯТ. Тулки ўрмонда яшар эди. Бир куни эрталаб овқат излаганича ҳар томонни кеза бошлади. Тасодифан бир товуққа кўзи тушиб қолди. Уни тутишга бел боғлади. Шу пайт қулоғига баланд бир овоз эшитилди. У чор-атрофга қараб, дарахт тепасида турган йўғон гавдали, семиз бир нарсани кўрди. Иштаҳаси очилиб кетди. Ўша семиз нарсага эришиш мақсадида юз ранжу қулфат билан дарахт тепасига чиқди ва унга чанг солди. Ўша нарсанинг ичи бўм-бўш бўлиб, ҳаводан ўзга нарса йўқ эди. Тулкининг очкўзлиги туфайли бу ноғора унинг кўзига семиз ҳайвон бўлиб кўринган эди. Шамол таъсирида дарахт шохлари тебраниб, унга урилар ва чиқаётган овоз ҳайвон овози бўлиб туюлган эди. Тулкининг дили ҳасрат ўтидан куйиб, надомат ёшларини тўкди. Сўнгра ўзига деди: «Эссиз, бу ҳаводан шишган нарсани деб ҳалол сайдимни қўлдан чиқардим, фойдасиз бу йўғон гавдадан ҳеч манфаат етмади!». Қитъа:

Ноғора даранглар тинимсиз, вале,
Ичи бўшдир, бунда нима фойда бор?
Ақлинг бўлса ишнинг танини ўйла,
Ялтироқ ташига қилма эътибор!

Инсонни унинг лисони, яъни тилидан синамоқ керакки, ҳикматларда: «Одамнинг кимлигини либоси ва салласидан эмас, тилидан билинг!» — дейилади.

Хожа Самандар ТЕРМИЗИЙ

Эй азиз фарзанд! Билгинки, шижоат барча фазилатларнинг онасидир. Кимда шижоат бойлиги бўлса, унда хилма-хил фазилатлар бўлади. Шижоатли кишини барча яхши кўради. Шижоатли киши жангда ҳам душман дилига ваҳима солади, бошқаларни олға юришга илҳомлантиради.

Мард билан улфат бўлган мардликка етади, номардга яқин юрган киши ғамдан боши чиқмайди.

Мард одамнинг ваъдаси ҳам нақд, ҳам тез бўлади.

«ОТАЛАР сўзи»

Мард келдинг, мард кетгил, тоқатинг
тоқ бўлса ҳам,
Ўтма номард кўпригидан сув сени оқизса ҳам.

ОРАЗИЙ

Азизим, бургутга шоҳлар қўлидан жой тайин этилганининг боиси шулки, у ўзини бойўғли каби уй ичига олиб ўтирмайди. Бойўғлининг деворлар орасида қолиб кетганининг боиси эса харобалардан умид узиб чиқа олмаслигидир. Байт:

Бургут каби жавлон уриб сайр қил,
Бойўғлидек токай жойинг вайрона?!

Хожа Самандар ТЕРМИЗИЙ

Гар мард эрсанг тилингни сақла,
Ғийбату бўҳтону дилозорликдан асра.

КОШИФИЙ

Яна билгил кимунким ғайрати бор,
Тиши эрса эрур (ул) эрди тақи эр.
Эрур ғайратсиз эр мен тегали мўмун,
Ул эрдин бекрак улғайратли хотун.

КУТБ

Марди майдон шундай одам бўладики, эртаю кеч душманга зарару, дўстга фойда келтиради.

Абу Райҳон БЕРУНИЙ

ҲИКМАТ. Мақсадни қўлга киритишда ғайрат иш беради. Ҳар кимда ғайрат бўлмаса, унда ўзгаларга ибрат бўла олиш қобилияти бўлмайди.

Муҳаммад Жавҳар ЗАМИНДОР

Бўлмоқ керак ҳамиша инсонда тоза ғайрат,
Қўл ушлашиб иш ишланг
бир-бирингга бомуҳаббат.

ОРАЗИЙ

Бир куни бир ҳакимдан: «Ботирлик яхшими ёки ақлу тадбирми?» деб сўрадилар. У эса: «Ботирлик тиғ бўлса, ақлу тадбир қўлдир. Агар уларга иш қилиш топшириладиган бўлса, қўл тиғсиз ҳам уни амалга ошира олади, аммо тиғ қўлсиз бирор ишни амалга ошира олиши муаммо» деб жавоб берди. Қитъа:

Ақлу тадбирсиз киши қўлдан берар мол-мулкин,
Ақлу тадбирга суян бойлигим турсин десанг!

Абулбарокат ҚОДИРИЙ

Ҳушёр шундай одамки, қўлида борини диққат билан сақлайди. Бугунги ишни эртага қолдирмайди.

Йигитликка ярашгай қаҳрамонлик
бирла полвонлик,
Тенгу тўш фазлу ҳунар топмоқда мактабда юриб,
Кўча-кўйда сен юриб чекмоқ алам даркор эмас,
Кундалик умрингни ўрганмоғу ўргатмоққа бор,
Бу жаҳонда ҳеч бир иш кўрки нодаркор эмас.

ОРАЗИЙ

— Йигит йигитдан нимаси билан ортиқ?

— Ҳушёрлиги билан!

Ҳушёрлик улкан бойлик, танболлик эса вақтни бекорга ўтказишдир.

«ОТАЛАР сўзи»

Азизим, жанг они ва уруш соатларида баҳодир киши фақат шуҳрат ҳақида ўйламаслиги, ҳаётим ва мол-мулким ҳеч нарса эмас, деб ўзи учун ўзи ҳукм чиқариши зарур. Жанг пайтида арзимас нарсалар ҳақида ўйлашдан кўра енгиш ҳақида ўйлаш афзал. Байт:

Номусдан афзалроқ бўлса агар бош,
Салламас чимматни ёпингин, эй ёш!

Хожа Самандар ТЕРМИЗИЙ

Маҳмуд ҲАСАНИЙ, Ҳамиджон ҲОМИДИЙ тайёрлашган

Фавқулодда вазиятлар бошкармаси фаолиятидан

ҲАР ҚАНДАЙ БИЛИМ АМАЛИЁТДА МУСТАҲКАМЛАНАДИ

ИНСОН ҲАЁТИГА ТУРЛИ-ТУМАН ХАВФ-ХАТАРЛАР ҲАМИША ТАҲДИД СОЛИБ ТУРАДИ. АЙНИҚСА ТАБИИЙ ОФАТЛАР МИНГ ЙИЛЛАРДАН БУЁН МАВЖУД БЎЛГАН ВА СОДИР БЎЛАВЕРАДИ.

Инсонлар бундай ҳолатларда доимо оқилона ҳаракат қилганлар. Бизнинг жамиятимизда эса инсонларни бундай вазиятларда муҳофаза қилиш давлат даражасидаги ишдир.

Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси ходимлари томонидан шаҳримиз аҳолиси ва ҳудудини фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш, бундай ҳолатларда аҳолини тўғри ҳаракат қилишга тайёрлаш, унинг оқибатларини бартараф этиш куч ва воситаларини тайёрлаш, доимий шай ҳолатда ушлаб туриш ҳамда хавфли ҳолатларнинг олдини олиш бўйича катта ишлар амалга оширилмоқда.

Ўз хизмат вазифасига фидойи инсонларнинг ҳаракатлари туфайли юртимизда дунёнинг ривожланган мамлакатлари фуқаро муҳофазаси тизимига тенглаша оладиган даражада, яъни аҳоли ва ҳудудни муҳофаза қилишга кучи етадиган халқ армияси вужудга келди. Лекин фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва оқибатларини бартараф этишда аҳолининг тайёргарлигисиз ҳар қандай куч етарли бўлмаслиги дунё тажрибасидан маълум. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 7 октябрдаги "Ўзбекистон Республикаси аҳолисини фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишга тайёрлаш тартиби тўғрисида"ги қарорига асосан бошқарма томонидан шаҳар аҳолисининг тайёргарлигини ташкиллаштиришда аҳолининг барча тоифалари фавқулодда вазиятлар содир бўлганда тўғри ҳаракат қилишга ўрганиши, ўзига ва ўзгаларга ёрдам бера олиши, оқибатларини бартараф этиш ҳамда олдини олиш ишларида кўникмага эга бўлиши учун 324 та мактаб ўқувчилари, 115 та ўрта махсус ўқув юртлари талабалари ва 29 та олий ўқув юртлари талабаларини ўқиш жойларида махсус ўқув дастури асосида тайёргарликдан ўтказиш ташкиллаштирилмоқда. Тошкент шаҳар ҳокимининг аҳолини тайёрлаш бўйича алоҳида қарори тайёрланиб, барча ташкилот, муассаса ва объектларда ҳар йили 250 мингдан ортиқ аҳоли, ишчи хизматчилар ва раҳбарият таркиби тайёргарликдан ўтказилиб келинмоқда. Ҳозирги кунда аҳолининг иш билан банд бўлмаган тоифаларини тайёргарликдан ўтказиш мақсадида шаҳар ҳудудидаги 454 та маҳаллаларнинг фуқаролар йиғини кенгашларида иш олиб борилмоқда. Ҳар қанча олиб борилаётган тушунтириш ишлари, ўқув машғулотлари, тайёргарлик ёки услубий ёрдамлар амалиёт билан мустаҳкамланиб бормаса, ҳаёт чиғириғидан ўтмаган асоссиз билимга айланиб қолаверади. Бу борада Тошкент шаҳри ҳудудида жойлашган ўта муҳим, тоифаланган, кимёвий, ёниш-портлаш хавфи бор объектларда, корхона ва ташкилотларда 326 маротаба махсус-тактик машғулотлар ўтказилди. Ушбу машғулотларга корхоналар ён атрофида истиқомат қилувчи 108 минг нафарга яқин аҳоли, умумтаълим мактаблари ва мактабгача таълим муассасалари ўқувчи, тарбияланувчилари жалб қилинди ва махсус-тактик машғулотдан аввал улар билан фавқулодда вазиятларда тўғри ҳаракат қилиш бўйича суҳбатлар ўтказилди.

Дастлабки йилларда аҳоли учун қутқарув хизмати янгилик бўлганлиги сабабли йил мобайнида 300 га яқин мурожаатлар тушган бўлса, вақт ўтиши билан аҳолининг "Қутқарув хизмати"нинг беминнат хизматига мурожаати ўсиши, содир бўлиши мумкин бўлган ҳалокатли ҳодисаларнинг олди олинаётганлиги қувонарли ҳолдир. Чунки бу янги хизматнинг доимий тайёргарлиги, объектларда ўтказилаётган машғулотларда ва ҳамкорликдаги машқларда қатнашишлари, касбий маҳоратларини ошириб боришлари муносабати билан шаҳримизда содир бўлиши мумкин бўлган ҳодисаларнинг ўз вақтида бартараф этилишини ташкиллаштираётганликлари халқимизнинг бу хизматга ҳурмати ва ишончи ошиб бораётганлигининг далилидир. Чунончи, 2005 йил мобайнидаги "050" телефони орқали мурожаатлар таҳлили шуни кўрсатадики, маслаҳат сўраб шаҳар аҳолиси, меҳмонлари ҳамда ташкилотлар ва муассасалардан 201847 маротаба мурожаатлар келиб тушган.

Ҳар бир соҳада бўлгани каби фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва фуқаро муҳофазаси соҳасида йил ўтган сайин тажриба, кўникма ва янгиликка интилиш, ривожланган давлатларнинг фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, оқибатларини бартараф этиш, бундай вазиятларни талафотсиз ўтказиб юбориш даражасига етиш учун қилаётган ҳаракатимиз самарасини берди, деб хотиржам, қўл қовуштириб ўтиришга ҳали эрта. Чунки содир бўлиши мумкин фавқулодда вазиятлар хавфи мавжуд экан инсоният табиий ва техноген тусдаги офатларга нисбатан тайёр бўлиши, билим ва кўникмаларини амалий машғулотларда синаб кўриши, унинг олдини олишга ҳамиша тайёр бўлиши лозим.

Ҳамза ШОДИЕВ,
Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси ходими,
Азиза МУҲАМЕДОВА,
талаба

ЁШ АВЛОДДА ЎЗЛИГИМИЗНИ, МУҚАДДАС АНЪАНА ВА ҚАДРИЯТЛАРИМИЗНИ АНГЛАШ ТУЙҒУЛАРИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ, ХАЛҚИМИЗНИНГ КЎП АСРЛАР ДАВОМИДА ШАКЛЛАНГАН ЭЗГУ ОРЗУЛАРИНИ РЎЁБГА ЧИҚАРИШ, АЖДОДЛАРИМИЗНИГ МУНОСИБ ВОРИСЛАРИ ЭКАНЛИКЛАРИНИ ЯНА БИР БОР УҚТИРИШ, БАҲОРИЙ ЭСТЕТИК КАЙФИЯТ БАҒИШЛАШ МАҚСАДИДА ШАҲРИМИЗ ТУМАНЛАРИДА ТУРЛИ ХИЛ ТАНЛОВЛАР ВА БАДИИЙ КЕЧАЛАР ЎТКАЗИЛМОҚДА.



Танловлар

ҒАЗАЛХОН ЁШЛИГИМ

Ана шундай танловлардан бири «Қизлар ғазал айтгандаа, йигитлар жўр бўлганда» мавзуидаги тадбир яқинда Мирзо Улуғбек туманидаги Ўқувчилар ижодиёти марказида бўлиб ўтди.

Тадбирни Мирзо Улуғбек тумани халқ таълими бўлими, «Камолот» ЁИҲ, Ўқувчилар ижодиёти маркази туман бўлимлари ҳамкорликда ўтказдилар.

—Ушбу танловни ўтказишдан мақсад, — дейди туман халқ таълими бўлими бош мутахассиси Наргиза Меликбоева, — ёш йигит-қизларимизда ўзимизнинг мумтоз куй-қўшиқларимизга нисбатан меҳру муҳаббат уйғотиш, ғазаллар ижро этишга нафақат қизлар балки йигитларни ҳам жалб этиш, ҳамоҳангликда қўшиқлар куйлаб миллийликни англаш, уни севиш бош мақсад қилиб қўйилган.

Танловда «Мен ғазал айтганимда, эй йигит, олтин сози бўл», «Ўлкамизда баҳор», «Баҳорни соғиниб» мавзуларида ғазалхонлик, расм чизиш ва расмлар кўргазмасига оид шартлар бўйича беллашувлар ташкил этилди. Унда тумандаги барча мактаблар ўқувчилари иштирок этди. Шулардан, 126-мактаб биринчи, 142- мактаб иккинчи,275-мактаб ўқувчилари учинчи ўринларни эгаллаб совриндорлар сафидан жой олди. 171, 248-мактаблар тўртинчи ва бешинчи ўринларга муносиб деб топилди.

Тадбир жуда кўтаринки руҳда, мароқли ва мазмунли ўтди. Ғолибларга туман «Камолот» ЁИҲ туман бўлими томонидан қимматбаҳо совғалар топширилди.

Ширмоной АСРАНОВА

Баҳор неъматлари

ТУМОРИ БОР ГИЁҲ

ТАДБИРКОР ХАЛҚИМИЗ ҚАДИМ ЗАМОНЛАРДАН БЕРИ КЎРКАМ ТАБИАТ САХОВАТЛАРИДАН ЎЗ ЎРНИДА ФОЙДАЛАНИБ КЕЛАДИ. БАРЧАГА МАЪЛУМКИ, БАҲОРГА КЕЛИБ ИНСОН АЪЗОЛАРИ ДАРМОНДОРИЛАРГА ТАЛАБГОР БЎЛИБ ҚОЛАДИ, ҚУВВАТСИЗЛИК КИШИНИ ТОЛИҚТИРАДИ, ШАМОЛЛАШ БИЛАН БОҒЛИК ХАСТАЛИКЛАРГА НИСБАТАН МОЙИЛЛИК ОРТАДИ, КЎҲНА ХАСТАЛИКЛАР БУНДАЙ ПАЙТЛАРДА «БОШ КЎТАРИШИ» МУМКИН. АНА ШУНДА ИЛК КЎКЛАМ ТОРТИҚЛАРИДАН УНУМЛИ ФОЙДАЛАНИШ САЛОМАТЛИКНИ ТИКЛАБ ОЛИШГА КАТТА ЁРДАМ БЕРАДИ.

Жағ-жағ ўсимлиги барчамизга маълум, унинг нозик қоматини, майда нуқтараранг гулларини йўл ёқаларида, экинлар орасида бегона ўт сифатида учратиб турамиз. Бизга кўримсизгина бўлиб туюлган жағ-жағнинг қанчалик хосиятларга эга эканлигини аксарият одамлар билмаслиги мумкин. Жағ-жағнинг мурғак ўти айрим таомларга масаллиқ бўлиши билан бирга халқ табобатида шифобахш омил сифатида ҳам эъзозланади. Жағ-жағ ўтининг ер устки қисми доривор омил сифатида гуллаш даврида ўриб олинади. Жағ-жағ халқ табобати амалиётида кенг кўламда ишлатиладиган гиёҳ тариқасида меъда, ўпка, бурундан қон кетганида дамлама сифатида ишлатилади. Гиёҳнинг қайнаб турган буғини бод билан оғриган жойларга тутиш ижобий натижа беради. Халқ табобатида жағ-жағ кўнгил айниши ва қусишга хотима берувчи дори сифатида тавсия этилади. Полшада жағ-жағдан қон тўхтатувчи дори сифатида фойдаланилади. Болгарияда жағ-жағ меъдадан, бачадондан, ўпкадан қон кетишида ёрдам берувчи табиий манба ҳисобланади.

Халқ табобати билимдони С.Томилининг берган маълумотларига қараганда, жағ-жағ қон босимини тушириб, ичак фаолиятини уйғунлаштиради. Шу туфайли бўлса керак, Ўрта Осиёнинг турли халқлари айни навбахор дамлари жағ-жағнинг мурғак кўкати асосида бошқа баҳорий гиёҳлар билан (ялпиз, йўнғичқа, қўзиқулоқ, исмалоқ, момоқаймоқ, шовул, крафш, кўкпиёз ва бошқалар) биргаликда кўк чучвара ва кўк сомсалар тайёрлаб истеъмол этадилар. Дармондори ва ҳаётий унсурларга бой бундай таомларнинг инсон саломатлиги учун қанчалик фойдали эканлигини ҳозирги замон тиб илми тан олган.

Тадқиқотлар шундан далолат берадики, жағ-жағ киши танасида модда алмашиш жараёнини яхшилайди, жароҳатларнинг битишини тезлаштиради, пешоб ҳайдайди, буйрак оғриқларига шифоли таъсир кўрсатади. Илмий тиббиёт амалиётида жағ-жағдан тайёрланган дори-дармонлар буйрак, ўпка хасталикларини даволашда, унинг мушак тонусини ошириш учун ишлатилади.

Аниқланишича, жағ-жағ гиёҳи ўзида рамногликазид, гисопцин, бурс кислотаси, ошловчи моддалар, органик ачиллардан фумар, олма, лимон, узум ачиллари, ацетилхолин, тирамин, инозит, С ва К дармондориларини сақлаш билан бирга, маъданли унсурлари ҳам бор. Гиёҳларнинг таркибидаги моддалар жамламасидан кўриниб турибдики, айни баҳор палласида жағ-жағнинг мурғак барглари асосида кўкатли чучвара ва сомсаларнинг тайёрлаб истеъмол қилиниши ҳақиқатан ҳам куч ва дармон бағишловчи таомлар қаторига киради.

Уй шароитида жағ-жағдан доривор дамлама тайёрлаш учун бирор идишга 1 стакан қайнаб турган сув қуйиб, устига ўсимликнинг майдаланган ер устки қисмидан 1 ош қошиқ солинади ва идишнинг қопқоғи 2 соат мобайнида ёпиб қўйилади. Сўнгра дока воситасида сузилиб, дамламадан кунига 4 маҳал 1 ош қошиғидан ичилади.

Ўрни келганда шуни қайд этиб ўтиш керакки, жағ-жағдан кўкатли таомлар тайёрланишида, шунингдек гиёҳли маҳсулотлар доривор омил сифатида ишлатилиши лозим кўриладиган бўлса, мазкур гиёҳни йўл ёқалари, магистрал кўча, саноат корхоналари, ферма яқинидан термаслик керак. Чунки бундай жойларда унган ва ўсадиган табиат неъматлари зарарли омиллар билан ифлосланган бўлиши мумкин.

Доно ХЎЖАЕВА,
олий тоифадаги доришунос

Мунажжим башорати

МАШҲУР КИШИЛАР ДАВРАСИДА БЎЛИНГ

7 АПРЕЛЬ, ЖУМА
ЭСКИ ҚАДРДОНЛАРИМИЗДАН МУНАЖЖИМ С.ИЛЬИЧЁВ БУГУНГИ ЖУМАНИ ДЎСТЛАР ОРТТИРИШ, ЭСКИ ДЎСТЛАР БИЛАН МУЛОҚОТЛАРДА БЎЛИШ УЧУН ҚУЛАЙ КУН ДЕБ ТАЪРИФЛАГАН.

Шунингдек, унинг фикрича, кунни бошлиқлар, ҳокимият вакиллари, машҳур кишилар билан алоқа боғлашга бағишлаш самарали бўлади. Қимматбаҳо буюмлар, умуман зеб-зийнатга алоқадор барча нарсаларни сотиб олиш хайрлидир.

Мабодо, бугун шамол эшик ёки деразангизни очиб юборса – бу янги танишувлар, янги муваффақиятлар белгиси ҳисобланади. Агар совқотиб, ҳеч исий олмасангиз – бу дармонингиз қуриб, қувватингиз камайиб кетганидан далолатдир.

Бугун юрак-қон томир тизими хасталикларга мойил бўлади. Шунингдек орқангиз ва умуртқа поғонангизни эҳтиёт қилинг. Суюқликни кўпроқ ичинг – у танангизни тозалайди. Дармонсиз кишилар бугун яхшилаб дам олиб, уйқуга тўйиб олганлари маъқул. Юрак, қовурға ва орқадаги жарроҳлик операциялари яхши бўлмайди.

Кийимлардан сариқ, зарғалдоқранг, қизил ва жигарранг туслар омадли бўлади. Совуқ ранглардан, айниқса кўк рангли либослардан бугун узоқроқ бўлинг.

Турфа олам

ШУНАҚАСИ ҲАМ БЎЛАДИ

...XIX асрда энг узун соч ўстирган инглиз аёли Овекс бўлиб, у икки ярим метрли сочи билан барчани лол қолдириб юраркан.

* * *

Доминикан оролининг аёллари сўзларини эркаклар мутлақо тушунмасликлари учун бошқа тилда гаплашишар эканлар.

* * *

XVIII асрдан буён Англияда ғалати қонун ҳукм суриб келади: бу ерда эркаклар ўз хотинларини кеч соат 9 дан эрталаб соат олтигача уришлари асло мумкин эмас.

* * *

Мисрнинг қадимги бойвучча аёллари сочларини силлиқ тараб ёстиқ ўрнига махсус тирговичлар қўйиб ётишаркан.

* * *

Понтпанак оролида яшовчи қабилаларнинг бидирги қонунга кўра чўкаётган аёлни қутқарган кишига ўлим жазоси белгиланди. Шунинг учун бўлса керак бу ердаги аёлларнинг чаққон сузишлари барчани лол қолдиради.

* * *

Қадим Эфиопияда йигитлар тишларини чархлашиб юришаркан ва бамбукни бир тишлаганда узиб ташлашаркан. Бундай қилолмаган йигитдан қиз юз ўгирар-кан.

* * *

Бир вақтлар Шанхай аёллари 50-55 ёшгача тирноқ ўстиришни одат қилган эканлар.

* * *

Грек қишлоқларидан бири — Моноклисда ҳар йили 8 январь куни ҳокимият аёллар қўлига ўтаркан. Шу куни аёллар хўроз, қуён сўйишади, қаҳвахоналарда маишат қилишади. Эркаклар эса шу куни уй юмушлари билан банд бўлишиб, хонадон ишларини бажаришади. 8 январь йилда бир марта келишидан қувонишиб, шукроналар айтишади.

Мурод ПАРПИХЎЖАЕВ
тайёрлаган

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бўлими томонидан, ваколатли органлар қарорларига асосан давлат даромадига ўтказиш ва қарз ҳисобига ундиришлик учун хатланиб банд солинган қуйидаги автомототранспорт воситаларининг очиқ ким ошди савдоси ўтказилади.

2006 йил 18 апрель куни қуйидаги автомототранспорт воситаларининг ким ошди савдоси ўтказилади:

1. «Нексия» автомобили, 1997 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 АУ 811, бошланғич нархи 4.500.000 сўм, техник носоз – Шайхонтоҳур – 306/4;

2. «Дамас» автомобили, 1998 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 AG 313, бошланғич нархи 3.112.640 сўм, техник соз – Шайхонтоҳур – 306/4

3. «Форд-Скорпио» автомобили, 1987 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 Р 8842, бошланғич нархи 4.300.000 сўм, техник носоз-Юнусобод-161/4;

4. «ВАЗ-2106» автомобили, 1983 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 11 М 93-06, бошланғич нархи 745.358 сўм, техник носоз-Яккасарой-135/4;

5. «Истана» автомобили, 2000 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 Т 7484, бошланғич нархи 10.000.000 сўм, техник соз-Юнусобод-162/4;

6. «ВАЗ-2108» автомобили, 1990 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 11 К 5756, бошланғич нархи 1.228.800 сўм, тех.носоз-Шайхонтоҳур-100/4;

2006 йил 10 май куни қуйидаги автомототранспорт воситаларининг ким ошди савдоси ўтказилади:

1. «ДЭУ Леганза» автомобили, 1998 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 АК 242, бошланғич нархи 12.427.746 сўм, техник носоз-М.Улуғбек-388/1;

2. «Ниссан Ланг Лейт», 1986 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 30 К 1570, бошланғич нархи 2.500.000 сўм, техник носоз-Шайхонтоҳур-368/4;

3. «Нексия» автомобили, 1998 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 АР 663, бошланғич нархи 2.216.395 сўм, техник носоз-Яккасарой-372/4;

4. «Нексия» автомобили, 2004 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 13 F 2225, бошланғич нархи 8.500.000 сўм, техник соз-Яккасарой-371/4;


Ким ошди савдолари соат 16-00 да бошланади.

Савдода иштирок этишга ариза қабул қилиш ҳафтанинг душанба, чоршанба, жума кунлари соат 14.00-дан 18.00-га қадар ишчи гуруҳи вакиллари томонидан амалга оширилади ва ким ошди савдоси бошланишидан 3 кун аввал тўхтатилади. Ким ошди савдосида иштирок этиш учун автомототранспорт воситаси сақланаётган туман суд ижрочилари бўлинмасининг депозит ҳисоб рақамига автомототранспорт воситасининг бошланғич нархидан 10% тўланиши лозим.

Манзил: Тошкент шаҳри, Усмон Юсупов кўчаси, 3-уй, 2-қават.

Маълумот учун телефонлар: 144-54-08, 41-16-38.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР



Изоҳга ҳожат йўқ.

Абдурасул Ҳошимов чизган расм.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
Буюртма Г- 606

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.
Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади.
3233 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 6